*Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!*

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




*Кун иқтибоси*

*«Яшил макон» – виждонимиз, бўлажак ҳаётимиз, фарзандларимиз олдидаги масъулиятимиз.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

*Кун таассуроти*

# «АВТОМОБИЛСИЗ КУН» ТИРБАНДЛИКЛАРИ

## *Тафаккур ўзгармас экан, бари бефойда*

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташаббуси билан 29 март куни юртимизда «Автомобилсиз кун» акцияси ўтказилди.**

Қайд этиш жоиз, ушбу акция Президентнинг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонига мувофиқ ташкил этилди.

Кўзланган мақсад хайрли – соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф-муҳитни автомобиллардан чиқувчи зарарли газлардан ҳимоя қилиш, катта шаҳарларда транспорт воситалари тирбандлигини камайтириш, жамоат транспорти тизимини ривожлантириш масалаларига жамоатчилик эътиборини қаратиш эди.

Акцияда кўплаб амалдорлар фаол иштирок этганидан ижтимоий тармоқлар орқали хабардор бўлдик. Шунингдек, кўплаб фидойи ва ватанпарвар юртдошларимиз ҳам ушбу тадбирга ўз ҳиссасини қўшганини кўрдик, эшитдик.

Аммо... Пойтахтда кузатганларимиз мақсадни барча ҳам тўғри англамагани, ҳали бизда ташаббусли маданият шаклланмаганини намоён этмоқда.

Яъни шу куни кўчаларда пиёдадан автоулов кўп бўлди, назаримизда. Атроф машиналардан чиқаётган шовқин билан тўла. Жамоат транспортидаги ҳолат ҳам худди аввалги кунлардагидек...

Яндекс маълумотларига кўра, шу куни эрталабки соат 9:00 – 9:30 лар орасида пойтахтда тирбандликлар даражаси 6 баллни кўрсатган.

Бундан англашиладики, ихтиёрий тартиблар бизга ҳали-бери кор қилмайди. Демак, бирон бир тадбир ёки акция мажбурий тартибда ўтказилиши керак, чоғи...

Хуллас, биз жамиятни ўзгартирмоқчи эканмиз, энг аввало, ўзимиз ўзгаришимиз керак. Токи, ҳар биримизнинг тафаккуримизда ўзгариш бўлмас экан, бу каби акциялардан ҳеч қандай наф чиқмайди. Улар ҳисобот учунгина ўтказилаверади, холос.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
**Қувончбек ТЎРАЕВ (фото)**
*«ISHONCH» мухбирлари*

**Ҳа айтганча, эндиликда Ўзбекистонда ҳар ойнинг тўртинчи чоршанба куни «Автомобилсиз кун» акцияси ўтказилади. Балки кейинги сафар ўзимизни кўрсатармиз, ўзгарармиз?.. Нима дедингиз, азиз замондош?**

*«Ishonch» газетасининг 2024 йил 5 мартдаги 30-сонида чоп этилган «Ҳар бир мурожаат ортида инсон дарди бор...» номли мақолада «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг 2023 йилдаги мурожаатларини эътиборсиз қолдирган давлат идоралари ва ташкилотларнинг рўйхати эълон қилинган эди.*

*Уларда келтирилган ҳолатлар юзасидан давлат идоралари ва ташкилотлардан жавоб хатлари келмоқда.*

*Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан ҳам қуйидаги мазмунда нома келди:*


Олий Мажлис Қонунчилик палатасига!

САВДО АҲЛИНИ СУҒУРТАЛАШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

*«Ishonch»га жавоб берадилар*

## Қонун ижодкорлигида инобатга олинади

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 5 мартдаги 30 (4938)-сонида чоп этилган мурожаатда қайд этилган Анваржон Ҳалимовнинг «Савдо аҳлини суғурталаш вақти келмадими?» сарлавҳали мақоласи («Ishonch» газетаси, 2023 йил 22 июнь, 78-сон) Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси депутатлари иштирокида атрофлича кўриб чиқилди.

Мақола орқали кейинги йилларда мамлакатимиз бозорларида катта ёнғин ҳодисаларининг рўй бераётганлиги, бунда бозорларда содир этиладиган ёнғин хавфсизлиги ҳодисасининг олдини олиш чораларини кўриш, тадбиркорларнинг мол-мулкларига нисбатан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда уларнинг ўз бизнесини суғурта қилиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва эътирозлар билдирилган.

Мазкур масалалар юзасидан билдирилган таклиф ва эътирозлар Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси депутатлари томонидан қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш давомида инобатга олинишини маълум қиламиз.

Шунингдек, мазкур масалаларга бефарқ бўлмаганингиз, аҳоли ўртасида дахлдорлик туйғусини шакллантиришда амалга ошираётган хайрли ишларингиз ва таклифларингиз учун «Ishonch» газетасининг таҳририятига ҳамда мақола муаллифига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси номидан алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси** **Н.ЖУМАЕВ**

**Эълон**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ 2024/2025 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМНИНГ БАКАЛАВР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!




Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу нодавлат таълим муассасаси меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасига олий маълумотли етук кадрларни тайёрлаб беради.

**2024/2025 ўқув йили Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясининг Меҳнат соҳасини бошқариш факультетига:**

* *Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги*
* *Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги*
* *Инсон ресурсларини бошқариш*
* *Ижтимоий иш (соҳалар бўйича)*
* *Психология (фаолият турлари бўйича)*
* *Менежмент*
* *Юриспруденция*

йўналишларида таълим олиш учун талабалар қабул қилинади.

Академияда ўқиш ўзбек ва рус тилларида, тўлов-контракт асосида олиб борилади.

Ўқиш муддати 4 йил.

**Қабул учун абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

*Ректор номига ариза;*

*Паспорт нусхаси;*

*Ўрта махсус маълумот тўғрисидаги диплом ёки 11-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатноманинг нусхаси;*

*Абитуриентнинг 3x4 ҳажмдаги фотосурати.*

**Ҳужжатлар**

**кундузги бўлимга** 2024 йил 1 апрелдан 25 августгача;

**сиртқи бўлимга** эса 1 апрелдан 1 октябргача Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Алишерobод» МФЙ, Миллий боғ кўчаси, 7-уй ёки https://atso.uz электрон манзили орқали қабул қилинади.

Қабул жараёнлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни **(71) 265-01-64, (55) 506-01-50** телефон рақамлари ва **https://atso.uz** веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

*Унутманг, Академияга ҳужжат топшириш орқали ўз келажагингиз учун улкан инвестиция киритасиз!*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**
**Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси**



# Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 март куни «Яшил макон» лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва тармоқларнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч тузилмалари раҳбарлари иштирокида жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.



Рамазон ойи ва яқинлашиб келаётган Ҳайит байрами муносабати билан Президентимиз 108 ёшли наманганлик нуроний Иброҳимжон ҳожи ота Хўжаевга Traverse автомашинасини туҳфа қилди.



Халқаро меҳнат ташкилотининг Ишлаётган эркаклар ва аёллар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисидаги 156-сонли Конвенцияси (Женева, 1981 йил 23 июнь) ратификация қилиниши кутилмоқда.

Шу мақсадга қаратилган қонун Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида кўриб чиқилди.

DAVR

Baxt degani dillarning uyg‘unlashib ketishi degan so‘z.
Chingiz Aytmatov

2024-YIL 30-MART, SHANBA
№ 41 (4949)

*Тошкент шаҳри* — **Муҳокама**



# ДАСТУРИЛАМАЛ **БЎЛМОҚДА**

**Ўзбекистон Миллий университети ҳамда олий таълим муассасаси касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2022-2024 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2023 йилдаги ижроси юзасидан конференция ташкил этилди.**

Қайд этилганидек, олий ўқув даргоҳида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ходимлар ва иш берувчи ўртасидаги муносабатда жамоа шартномаси дастуриламал бўлмоқда.

Конференцияда жамоа шартномасининг бажарилиши қониқарли деб топилди. Тегишли масалалар муҳокама қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

* * *



# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ **МУҲОКАМАСИ**

**Учтепа туманидаги 238-умумтаълим мактабида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасида белгиланган вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилди.**

Машваратда мактаб директори С.Маликова сўзга чиқиб, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш борасида бултур олиб борилган ишлар бўйича ҳисобот берди.

Қайд этилганидек, белгиланган чора-тадбирларга биноан ишчи-ходимлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўмакка муҳтож 356 та оилага 113 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Соғлиғини тиклаш ниятида бўлганлар учун сиҳатгоҳларга 149 та имтиёзли йўлланма ажратилди.

Тадбир асноси бу йилда бажарилиши зарур бўлган вазифалар, ходимларнинг қатор таклифлари муҳокама қилиниб, жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

**Амир АҲМЕДОВ**

* * *

*Сирдарё вилояти*



# ИШЧАНЛИК **РУҲИДА**

**Сирдарё вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши муҳокама этилди.**

Ўзаро ҳамкорликнинг натижалари бошқарма бошлиғи Икромжон Тагаев ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Достон Хўжанов ҳисоботида ўз аксини топди. Келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар аввалги йилга нисбатан кескин камайган, низоли ҳолатлар рўй бермаган.

Бошқармада меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва комиссия фаолият кўрсатаётгани ҳам айни муддао бўлаётир. 2023 йилда, шукрки, ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса рўй бермади. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги», «Ёнғин хавфсизлиги» ҳамда «Техника хавфсизлиги» бурчаклари ташкил этилган.

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 15 662 923 сўмни ташкил этгани ҳам қувончли ҳолдир.

Йиғилишда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши қониқарли, деб топилди. Сўнгра жамоа шартномаси бажарилишини текшириб борувчи комиссия далолатномаси ўқиб эшиттирилди.

Кун тартибида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ишчанлик руҳида ўтган йиғилишда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Эркин Бойниёзов ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси Азамат Абдуллаев иштирок этишди ҳамда бир гуруҳ ишчи-ходимларга касаба уюшмаси қўмитасининг совғаларини топширишди.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
*«ISHONCH»*

*Бухоро вилояти* — **Халқаро ҳамкорлик**



# ТАЖРИБА АЛМАШИШГА **ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши ва Беларусь соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Витебск вилояти ташкилоти ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.**

Ушбу тадбирда Беларусь Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Витебск вилояти ташкилоти раиси Владимир Плыткевич иштирок этди.

Ушбу шартнома 13 та моддани ўз ичига олган бўлиб, унда касаба уюшмалари томонидан тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида тажриба алмашиш ва ўзаро қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорликни ривожлантириш, ҳар икки томон тиббиёт ходимлари касаба уюшмаларининг ҳудудий, бошланғич ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни изчил ривожлантириш каби қатор муҳим масалалар кўзда тутилган.

Тадбир доирасида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилотлар раислари билан суҳбатлар ўтказилди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан меҳмонларга мурожаат қилишди.

Шундан сўнг меҳмонлар Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Бухоро вилояти филиалида ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар ҳамда Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтидаги ўқув жараёнларини кўздан кечирдилар.

Шунингдек, Бухоронинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, Бухоро тарихи ҳақидаги маълумотларга эга бўлишди.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*«ISHONCH»*

*Фарғона вилояти* — **Ўқув**

**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши тизимидаги туман-шаҳар тиббиёт бирлашмалари касаба уюшма қўмиталари раислари учун Тошкент вилоятидаги «Заркент» сиҳатгоҳида малака ошириш бўйича ўқув бўлиб ўтди.**



# ҲАР ТОМОНЛАМА **ФОЙДАЛИ**

Унда «Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш тўғрисида» ҳамда «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот сайловларни ўтказиш тўғрисида»ги мавзулар юзасидан маърузалар тингланди. Шунингдек, ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўриш, делегатларни сайлаш ҳамда ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Зафаржон Қурбоновнинг «Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш тўғрисида», меҳнат техник инспектори Равшанжон Фозиловнинг «Ташкилотларда меҳнат муҳофазасини кучайтириш ишларини тўғри ташкил қилиш тўғрисида», тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши мутахассиси Аброр Шодмоновнинг «Йўлланмалардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги маърузалари ўқув мазмун-мундарижасини янада бойитди. Гуруҳларга бўлинган ҳолда «Заковат» интеллектуал ўйини ҳам ўтказилиб, ходимларнинг соҳавий билимлари синовдан ўтказилди.

Ўқув якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Сиҳатгоҳда ўқув машғулотлари билан бирга, иштирокчиларнинг тиббий муолажаларни ўз вақтида қабул қилишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, соҳа ходимлари ҳам мароқли ҳордиқ чиқаришди, ҳам билимларини мустаҳкамлашди.

**Аброр ОТАБОЕВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири*

*Сурхондарё вилояти*

**Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри жамоаси «Российский берег» халқаро фестиваль ташкилотчилари томонидан ўтказилган қишки онлайн фестивалда бош соврин – Гран Прини қўлга киритди.**

**Санъат**

# «МОМО ЕР» **ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБИ**

Театр жамоаси фестивалда бош режиссёр Фарҳод Болтаев томонидан атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов асари асосида саҳналаштирилган «Момо ер» спектакли билан қатнашганди.

– Дунё театр санъати аҳли учун бирдек маълум ва машҳур театршунослардан иборат фестиваль ҳайъати аъзоларининг алоҳида эътирофи билан театримиз ижодкорларининг ғолиб деб топилиши ўзбек театр санъати тарихини яна бир олтин саҳифа билан бойитди, десак асло муболаға бўлмайди, – дейди вилоят мусиқали драма театри директори Муяссар Қорақулова.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**
*«ISHONCH»*

*Тошкент шаҳри* — **Маънавият соати**



# БОЛАНИНГ БЎШ ВАҚТИ – **ДУШМАННИНГ ИШ ВАҚТИ**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳри бирлашган қўмитаси ҳамкорлигида Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтида «Маънавият соати» тадбири ташкил этилди.**

– «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» дастурида белгиланган вазифалар доирасида касаба уюшмалари ёшлар мана шундай жонли мулоқотлар ўтказиб келмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси Ирода Ҳикматова. – Ҳаммамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, бугунги таҳликали замонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш осон кечаётгани йўқ. Зотан, ён-атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисалар, содир этилаётган хунрезликлар ўзлигимизни сақлаб қолиш, тинчлик ва хотиржамликни асраб-авайлаш нақадар долзарб масала эканлигини яққол исботлаб турибди. Аслида ҳар қандай ёмонлик бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис, фарзандларимизнинг вақтини мазмунли ташкил этишимиз жоиз. Ахир, боланинг бўш вақти – душманнинг иш вақти, деб бежиз айтишмаган. Бугунги тадбирда ҳам ёшларга мана шу йўналишда тушунтириш берилди.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
*«ISHONCH»*

*Андижон вилояти* — **Баҳс**

# **КИМНИНГ** ЗАКОСИ **КУЧЛИ?**

**Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгашига қарашли корхоналар ва ўқув муассасалари жамоалари ўртасида «Заковат» интеллектуал баҳслашувлари ўтказилди.**





Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақада жами 11 та жамоа қатнашди. Баҳслар асносида Андижон машинасозлик институти заковатчилари 24 та саволнинг 16 тасига белгиланган вақтда тўғри жавоб бериб, ғолибликни қўлга киритишди.

– «Заковат» мантиқий билимларни ошириш билан бирга ҳамфикрликда ишлаш каби зарур кўникмаларга ўргатади, – дейди ғолиб жамоа вакили Бобиржон Назиров. – Ҳамжиҳатлик бўлган жойда эса ҳамиша иш бароридан келади.

Талабалар жамоаси қимматбаҳо совғалар билан бирга республика босқичига йўлланмани ҳам қўлга киритишди.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*

*Хоразм вилояти* — **Спартакиада**

# АЁЛ **СОҒЛОМ** БЎЛСА...

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гурлан тумани кенгаши томонидан туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги бошланғич ташкилотларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика турлари бўйича спартакиада ўтказилди.

500 нафардан ортиқ хотин-қиз қатнашган мусобақалар натижаларига кўра, стол тенниси бўйича 1-ўринни 45-мактаб ўқитувчиси Мадина Собирова, волейбол мусобақасида 1-ўринни 30-мактаб жамоаси, югуриш мусобақасида 1-ўринни 8-мактабгача таълим ташкилоти, шашка мусобақасида 1-ўринни 10-мактаб, шахмат баҳсида 1-ўринни 7-мактаб вакиллари эгаллади.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

**Сардор ЮСУПОВ,**
*Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гурлан тумани кенгаши раиси*

*Тошкент вилояти* — **Таҳлил**



# ХОДИМЛАР МАНФААТИ **УСТУВОР**

**«Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитасининг 2023 йил учун молиявий фаолияти ҳам таҳлил қилинди.**

Унда қайд этилганидек, ташкилот касаба уюшмаси томонидан 2023 йилда жами 638 миллион сўмдан ортиқ маблағ ходимларга турли рағбатлантириш, соғломлаштириш, саёҳат ҳамда моддий ёрдам сифатида ажратилган.

Хусусан, маданий-оммавий тадбирлар доирасида 100 кишидан иборат ходимнинг Самарқанд шаҳрига зиёрати уюштирилди, концерт тадбирлари, арча байрами ва театрлаштирилган байрам томошалари ташкил этилди.

Моддий ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига 168 миллион сўмга яқин пул маблағлари ва озиқ овқат тўпламлари тарқатилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Янада аҳамиятлиси, 2023 йилда касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга катта эътибор берилди. Жумладан, 56 та йўлланма ижтимоий суғурта, касаба уюшма бюджети ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармалари ҳисобидан ходимларни соғломлаштириш учун ажратиб берилди. Ходимларнинг фарзандлари учун «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар берилди.

Касаба уюшма йўналишида фаол иштирок этгани учун касаба уюшма аъзолари 32 миллион сўмдан зиёд маблағ миқдорида рағбатлантирилди.

«Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси барча ходимларни қўллаб-қувватлаб бориш учун ушбу йилда ҳам бир қатор тадбирларга ва ходимларни соғломлаштиришга қаратилган амалий ишларни режалаштирган.

**Гўзал МАҲМАДАЛИЕВА,**
*«Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси ходими*

*Ажабо!*

**Бу воқеа Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида рўй берди. 17 ёшли Меҳринисо *(исмлар ўзгартирилган)*нинг қувватлантиришга қўйилган телефони кечаси у яшайдиган хонадан ўғрилаб кетилди. Кўп ўтмай ундаги Меҳринисо йигитлар билан тушган барча суратлар ва видеолар Инстаграм орқали намойиш этила бошланди. Айни ҳолат кейинчалик ҳам давом эттирилиб, икки дугонасининг шахсига оид «янгилик»лар ҳам узлуксиз бериб борилди. Изоҳ сифатида «Энди кўрасан ўйин қандай бўлишини. Битта-битта жавоб берасан ҳали» қабилидаги таҳдидлар ҳам битилди.**



# ТЕЛЕФОН ЎҒРИСИ НЕГА ТОПИЛМАЯПТИ?

Бундай қабиҳликка қўл урганлар ҳали-ҳануз топилгани йўқ. Чунки қизлари бадном қилинаётгани ота-оналарининг парвойига келгани ҳам, улар жиноятчини топиб, жазолаш хусусида ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этишгани ҳам йўқ.

– Мен аслида жиянимнинг дугонаси саналмиш Меҳринисони яқиндан танимайман, – дейди Зулайҳо исмли қиз. – Ўша оқшом зарурат юзасидан уникида тунадик. Меҳринисо ўғил болалар билан кўп гаплашар экан. Алламаҳалда ким биландир учрашиш учун ташқарига чиқиб, юз-кўзлари кўкарган ҳолда қайтиб келди. Сабабини сўрагандик, яхши кўрадиган йигити билан суҳбатлашаётганида бошқа йигит келиб, иккисини ҳам урганини айтди. Биз телефонни ўғрилаган шу болалардан бири бўлиши мумкин деган хулосага келдик ва масалага ойдинлик киритиш ниятида уларнинг уйларига бордик. Аммо иккиси ҳам бу ишни қилмаганини, ҳозир ўзлари ҳам ўғрини топиш ҳаракатида юрганини айтди. Қандайлигидан қатъи назар, мен бу ҳолатни қасос олиш билан боғлиқ деб ўйлайман. Айни чоғда, Меҳринисо яшайдиган оила аъзолари унинг тақдирига бу қадар боқибеғамлигидан таажжубдаман...

Меҳринисонинг ота-онаси гапи бўйича эса, улар ортиқча шов-шувларга йўл қўймаслик учун сукут сақлашаётган эмиш. Ана шунинг оқибатида жиноятчи кимлиги номаълумлигича қолмоқда. Ҳолбуки, у бир изоҳида телефонни биров орқали ўмариш ва паролини очтириш учун 3 минг доллар сарфлаганини эслатган. Харажатини қоплаш ниятида постга бегона бир қизнинг пластик картасини ҳам жойлаштирган. Бу режани бир йилдан бери тузиб келганини таъкидлашига қараганда, у Меҳринисо билан яқин таниш бўлган.

Агар ўша кимса қўлга олиниб, айбдор деб топилса, Жиноят кодексининг 141[2]-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин. Унга кўра, шахснинг ор-номуси, қадр-қимматига тегиш, шахсий ҳаётига оид далил-маълумотларни ўзининг розилигисиз ошкор этиш билан боғлиқ қилмишни содир этган кишига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан 200 бараваригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

**Нурлиза ДЖУНУСОВА,**
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси*

*Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллигига*

## Камолжон ШОДИМЕТОВ:

# КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ БУГУНГИ РАВНАҚИ МЕНИ НИҲОЯТДА ҚУВОНТИРАДИ



**Суҳбатдошимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, иқтисод фанлари номзоди Камолжон Шодиметов. У узоқ йиллар Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашида хизмат қилган. Аввалига раис ўринбосари, кейин раис вазифасида ишлаган, 20 йил давомида тизимнинг пасту баландини кўрган, кўплаб меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилган, соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшган.**

**– Камолжон ака, тақдирингиз қачон касаба уюшмалари билан боғланди?**

– 1973 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тамомлаб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигида етакчи инженер бўлиб иш бошлаганман. Хизматимнинг олтинчи йили эди. Бир куни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги партия ташкилоти котиби Асом Маҳсумов чақириб қолди. Қабулига кирсам, мендан «Касаба уюшмаларига ишга ўтасизми?» деб сўради. Бироз ўйланиб, соҳани яхши билмаслигимни айтдим-у, «ўтмайман» дедим.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Асом ака мени яна чақирди. Борсам, кабинетида у билан яна бир киши ўтирган экан.

– Бу киши Турғун Ражабов бўлади, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси раиси, – деб таништирди Асом ака.

Меҳмон ҳам менга юзланиб:

– Бизга, касаба уюшмасига ишга таклиф қилсам ўтасизми? – деди.

– Ўтмайман, – дедим шошиб.

– Сабаб? – жиддийлашди у киши.

– Аввало, бу соҳани билмайман. Ўз касбимни яхши кўраман. Кейинги сабаб, партия аъзолигига номзодман, аъзо бўлишим керак. Ундан кейин квартира олиш учун навбатим яқин...

– Чепуха! – деди у киши самимий кулиб. – Сиз қишлоқ хўжалигидан узоққа кетмайсиз. Чунки касаба уюшмамиз қишлоқ хўжалиги ходимлариники, касбингизга яқин. Партия сафига келсак, бизнинг ташкилотда ўтаверасиз. Квартирани вазирликнинг ўзидан берилишига ёрдам қиламиз. Бу ерда қанча маош оласиз?

– 150 сўм...

– Бизда 250 сўм оласиз. Алоҳида кабинетингиз, хизмат машинангиз бўлади...

Турғун Ражабов жавобимни ҳам кутмай, Асом ака иккимизни вазир Абдукарим Ўркинбоев қабулхонасига етаклади. Вазир у кишининг таклифини эшитиб, «Бизнинг йигитларимиз ўсаётган экан, нега розилик бермаймиз?» деди-ю, оқ фотиҳа берди.

Эртаси куни Қишлоқ хўжалиги ходимлари уюшмаси Тошкент вилояти қўмитасининг ташкилий Пленуми бўлиб, мени вилоят қўмитаси котиби (ўринбосари) этиб сайлашди. Шундай қилиб, мен жамоат ташкилоти раҳбарининг биринчи ўринбосари вазифасини бажаришга киришдим.

**– Устозингиз Турғун Ражабовни давраларда кўп тилга оласиз. Касаба уюшма тизимида суягингиз қотишида у кишининг хизматлари қандай бўлган?**

– Фаолиятимнинг илк йилларида у кишидан касаба уюшма тизими ҳақида кўп нарсаларни, бошқарув ва ҳаёт сабоқларини ўргандим. Турғун аканинг ташаббуси билан қишлоқ меҳнаткашларининг саломатлиги, дам олиши, меҳнат ҳуқуқлари, спорт ва маданий-маънавий ҳаёти яхшиланишига эришганмиз. Бир нечта болалар оромгоҳлари, сиҳатгоҳлар очилган. Турғун ака Қишлоқ хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасини тармоқ касаба уюшмалари ичида энг намунали ташкилотга айлантирган эди. 1985 йили у киши пенсияга чиққач, қўмитага раис этиб мени сайлашди. Уч йилдан сўнг устозимиз оғир хасталикдан вафот этди.

Унинг иккинчи жаҳон урушидаги жасоратлари, Сирдарё, Тошкент вилоятлари тараққиётида тутган ўрнидан келиб чиқиб, Турғун Ражабов номини абадийлаштириш таклифини вилоят касаба уюшмаси кенгаши номидан Бўка тумани ҳокимлиги ва вилоят хокимлигига киритганмиз. Бу таклифимиз инобатга олинди ва Бўка туманидаги жамоа хўжаликларидан бирига Турғун Ражабов номи берилди. Сўнг, яна бир таклифимиз билан, Бўканинг «Рамадан» маҳалласига унинг ҳайкали ўрнатилди. Ҳар йили уни эслаб, туғилган кунини нишонлаб келамиз. Мана, ўтган йили 100 йиллик юбилейини тумандаги кенг жамоатчилик, шу жумладан, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашидаги шогирдлари билан бирга нишонладик.

**– Меҳнат фаолиятингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

– Мен ишлаган қишлоқ хўжалиги тармоғи Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси этиб ташкил этилиб, касаба уюшмалари кенгаши умумий аъзоларининг деярли 80 фоизини ташкил қиларди. Колхоз раҳбарлари ва ишчиларининг санаторий ва курортларда дам олишлари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларининг ўқишлари ва маданий-маърифий дам олишларини кўп бор ташкил этганмиз. Айниқса, спорт, маданий-маърифий ишларга жуда катта эътибор бериларди. У вақтларда клублар, кинофильмларни намойиш қилиш касаба уюшмалари тизимига қарашли бўлган. Шу сабабли қишлоқлардаги меҳнаткашлар учун дала бошига олиб бориб, кино ва бошқа томошалар кўрсатиларди.

Кўп корхоналарнинг ўзида ишчиларни соғломлаштириш ва дам олдириш учун профилакторийлар бўларди. Курорт ва санаторийларга йўлланмалар бериларди. Мамлакат ичидаги, хорижий давлатлардаги туристик саёҳатларга ҳам касаба уюшмаси орқали бориларди. Шундай қилиб, касаба уюшмалари фаолияти жуда кўплаб йўналишларни қамраб олган. Йўлланмалар жуда кўп бериларди. Биз уни тарқатиб, дам олувчини жўнатишгача бўлган масъулиятли вазифани бажарардик.

Илгари умумий аъзоларнинг 80 фоизини Агросаноат тармоғи ташкил этган бўлса, бугунга келиб, бу тармоқ ҳолати у қадар яхши эмас. Масалан, санаторийларда оддий ишчи ёки деҳқонларнинг дам олиши, фарзандларининг оромҳогларга юборилиши жуда камайиб кетган. Ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш корхоналари, текстиллар, кластерлардаги ишчиларнинг кўпчилиги касаба уюшмаларига аъзо эмас. Лекин, аслида, айнан ўшаларнинг аъзолигини ташкил этиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқини, меҳнат хавфсизлигини ҳимоя қилиш зарурати бор ҳозир. Чунки кўп ҳолларда айнан нодавлат ташкилотларида меҳнатга оид ҳуқуқбузарликлар кўпроқ содир этилади, бахтсиз ҳодисалар юз беради. Суриштирсангиз, аксариятида жамоа шартномаси йўқ. Ахир жамоа шартномаси ишчининг манфаатларини тўла ҳимоя қиладиган ҳуқуқий асосга эга бўлган ҳужжат-ку! Мана шу омилларнинг олдини олиш ва ишчи-ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш учун ҳам уларга касаба уюшмалари зарур.

**– Бугунги кундаги касаба уюшмалари тизимининг тараққиёти, нуфузини нималарда кўрасиз?**

– Мен ишлаган даврда санаторийларнинг ривожланиши ҳозиргидек даражада эмасди, янгиларининг қурилиши ҳам деярли йўқ эди. Хизмат кўрсатиш ҳам, дам олдириш ҳам эскича усулда эди. Ҳозирда амалга оширилаётган ишларни кўриб, жуда қувонаман. Бир-биридан замонавий санаторийлар, болалар оромгоҳлари, умуман, касаба уюшмалари тизимидаги халқаро даражадаги ишлар, меҳнат масалалари бўйича келишувлар кўпайгани, халқаро касаба уюшмалари билан алоқалардан кўнглим кўтарилади.

Янги йилда Касаба уюшмалари саройига тадбирга бориб, унинг салобати, чиройига ҳавасим келди. Чунки бир пайтлар у ерга концерт ва бошқа тадбирларга кўп борардик, жуда хароб аҳволда эди. Шунингдек, кам таъминланган, иқтисодий қийналган оилаларга касаба уюшмалари томонидан берилаётган турли ёрдамлар ҳам кўпайгани кўпчилик қатори мени ҳам қувонтиради.

*«ISHONCH» мухбири*
**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**
*суҳбатлашди*

### *МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:*

***Камолжон Шодиметовнинг ваколат муддати тугагач, 1990 йилларда вилоят Меҳнат бошқармасида биринчи ўринбосар, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси раиси, Суғурта агентлиги директори, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси, пенсияга чиқишдан олдин эса 8 йил «Адолат» партияси вилоят кенгаши раиси лавозимида ишлади. Икки марта халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутат этиб сайланди. Айни пайтда оиласи билан саёҳатларга бориб, таассуротларини битаётган ва тинимсиз ижод қилиб, ўзининг «Сузук ота изидан» китобининг тақдимотини ўтказиш ишлари билан юрган Камолжон Шодиметовга узоқ умр тилаймиз.***

*Эълонлар*

«Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ Янгиер банк хизматлари офиси «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБнинг 2024 йил 6 февралдаги 17-10/759 хатига асосан мижозларнинг банк биноларига тўсиқсиз ва қулай кириб чиқишини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Янги Аср кўчасида жойлашган «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ Янгиер банк хизматлари офисининг олди ҳудудида ўрнатилган бўйи 2,43, эни 2,91 темир панжаралар ва 76 айланаси бўлган темир трубалари (бир дона темир панжараларининг нархи 1 467 626 минг сўмдан) сотувга қўйилганини маълум қилади.

* * *

«IMRON UMIDLARI SISTEM» (СТИР: 308722654) МЧЖ ўз фаолиятини бирлаштириш йўли билан «NURLI ZAMIN SAVDO BIZNES» (СТИР:304700011) масъулияти чекланган жамиятига қўшилишини ҳамда ўз фаолиятини тугатишини маълум қилади. Бундан кейин «NURLI ZAMIN SAVDO BIZNES» масъулияти чекланган жамияти «IMRON UMIDLARI SISTEM» масъулияти чекланган жамиятининг барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, «Умид» МФЙ, Боғ 2-берк кўчаси, 8-уйда ёки +998994034343 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти жамоаси таълим муассасаси Ҳисоб-китоб бўлими бухгалтер-кассири Абдужаббор Нематуллаевич Хушбаковга акаси
**Ахмадкул Нематуллаевич ХУШБАКОВ**
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

*Анжуман*

## Мактабгача таълим

# ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚАМРОВ 76 ФОИЗГА ЕТАДИ





***2023 йилда республика бўйича мактабгача таълим ташкилотлари сони 33942 тани ташкил этган. Нодавлат секторнинг улуши 80 фоизга (28000 та), болаларни мактабгача таълим тизимига қамраб олиш даражаси эса 74 фоизга етган.***

Бу маълумотлар пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Мактабгача таълим агентлиги ўтказган матбуот анжуманида қайд этилди.

Дастлаб агентлик директори Агреппина Шин ўтган давр мобайнида мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тармоқни янада кенгайтириш ва болаларни боғчаларга қамраб олиш даражасини ошириш борасида ижобий натижаларга эришилгани ҳақида сўз юритди.

Таъкидландики, мактабгача таълимнинг муқобил шакллари яратилди. Хусусан, барча болаларга тенг имкониятлар яратиш мақсадида 25 мингта оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 662 минг нафар бола жалб қилинган.

Мактабгача таълим ташкилотларини қуриш имкони мавжуд бўлмаган олис ва чекка ҳудудларда «Ақлвой» лойиҳаси доирасида 156 та маҳаллада қайта жиҳозланган 72 та «Исузу» русумли автобуслар негизида 429 та мобил гуруҳ ташкил этилиб, уларга 9,5 минг нафар бола қамраб олинган.

ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган 20 та «Турли хил ёшдаги мактабгача таълим гуруҳлари»га 496 нафар бола қатнаган.

Жаҳон банкининг «Болани эрта ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Илк ривожланиш марказлари»га жами 1600 нафар бола жалб этилган.

2023 йилда тизимда қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 71,8 фоиздан 74 фоизга, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизимига жалб этиш 91 фоиздан 93 фоизга етказилди. 4522 та давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилди.

Бу йил тизимда қатор устувор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Йил якунига қадар болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини 76 фоиз, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизимига жалб этиш даражасини 96 фоизга етказиш режалаштирилган.

Тадбирда, шунингдек, мутахассислар Ўзбекистонда илк бор йўлга қўйилган «MELQO» халқаро воситаси асосида мактабгача таълим сифатини баҳолаш тизими ҳақида ҳам маълумот беришди. Унда айтиб ўтилганидек, «MELQO» халқаро воситаси бутун дунёда эрта ёшдаги болаларни парвариш қилиш ва таълим сифатини ўлчаш учун ишлатилади. Биринчи босқичда тасодифий танлаш усули ёрдамида республика бўйича 100 та мактабгача таълим ташкилоти танлаб олинган. Баҳолаш ва маълумотларни тўплаш сертификатланган мутахассислар томонидан амалга оширилади. Иккинчи босқич учун 250 та мактабгача таълим ташкилоти танлаб олинган.

**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА,**
**Қувончбек ТЎРАЕВ (фото)**
*«ISHONCH» мухбирлари*

**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay’ati raisi)*,
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari)*,

Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»)*,

Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-90) 080-93-38
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** S. Abdurahmonov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 00:20
**Topshirildi –** 00:40

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 087 та**
**Shundan:**
**7431 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**19 182 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**8474 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma 179**

1 2 3 4 5 6